

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқиб бошлаган



2000 йил 10 ноябр  
жума  
Сотувда эркин нархда  
№ 225 (2522)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Мамлакатимизда

### Қадимий суратлар кўргазмаси

Қадим Самарқанддаги Гурӯҳи Амир мақбараси мажмуини таъмирлаш чоғида обиданинг бундан юз йил аввалги ҳолати акс эттирилган суратлар топилган. Шундан сўнг, барча тарихий обидаларнинг юз йил илгарики суратлари тўпланиб, ушбу мақбарада кўргазма ташкил қилинди. Шуниси эътиборлики, ёш мусаввирлар А.Ҳақбердиев ва О.Ваҳобовларнинг ижод намуналари ҳам ушбу кўргазмадан ўрин олган. Сопол ва чини буюмлар, ганчкорлик намуналари, ўймакор ёгонлар тасвири кўргазмага янада кўркاملык бахш этди.

Самарқанд тарихи ва ҳунармандчилигини ўқиди намоён этган ушбу кўргазманинг Гурӯҳи Амир мақбарасида ташкил этилиши сайёҳлар ва зиёратчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.


### Нуфузли мукофот соҳиблари

Ўзбекистон Филлар академияси Электроника институти кичик илмий ходими Мавлуда Рўзибоева Деҳлида ИНТАС дастури бўйича компьютерларни дастурий таъмирлаш ўқув курсида сабоқ олиб қайтди. У ўз илмий жамоасида таъсис этилган академик Убай Орипов номидаги мукофотга сазовор бўлиб, хоржидда малака ошириш имкониятини қўлга киритди.

Ёш олимлардан Ш.Хўжаев ва А.Самарцевларнинг илмий изланишлари ҳам буюк алолма номидаги мукофот билан тақдирланди.

### 10 минг ишчи ўрни

Наманганда қарийб ўн минг ишчи-қизни иш билан таъминловчи йирик тўқимачилик корхонасига асос солинди. Олмончилик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қурилаётган ушбу корхона йилга 26700 тонна пахта толаси қайта ишланиб, 22620 тонна калава ип тайёрланади. Икки ҳамкор — «SAMO проект-интернинг» ва «Наманганмел» ҳиссдорлик жамияти қўйма корхонасини узоқ йиллардан бунён қаровисиз этган уйсозлик компанияси ишлаб чиқариш бинолари базасида қуришни режалаштирди. Хорижликлар мазкур мажмуа учун 250 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя ажратишга қарор қилди. Корхона ишга тушигач, жаҳон андозаларига мос газламалар, тикуччилик буюмлари билан бир қаторда эркалар, айёллар ва болалар ички кийимлари ҳамда бошқа экспортбор истеъмол моллари ишлаб чиқарила бошланади.



### Курраи заминда

#### Тўқнашувлар йўлни ёпди

Ислам конференцияси ташкилотининг 12-14 ноябр кунлари Қатарда бўладиган саммитида тўрт давлатдан вакил қатнашмайдиган бўлиб турибди. Саудия Арабистони Исроил ҳарбийлари билан Фаластин навоийшичилири ўртасидаги тўқнашувлар ажв олгани боис учрашув делегацияси жўнатмаслигини билдирди. Баҳарий ҳамда Ливан ҳам Саудия Арабистони йўлини ташлади. Эрон президенти Муҳаммад Хотамийнинг саммитда қатнашиши ёки қатнашмаслиги ҳам халқ маълум эмас.

#### Сушил Кумарнинг хабари

Ҳиндистон ҳарбий денгиз-қуқлари мамлакат мутахассислари атом сувоисти кемасини буюд қилиши ҳозирки кўраётганини маълум қилди. Биз бу борада миллий дастур ишлаб чиқарганимиз, деди мамлакат ҳарбий идораси раҳбарларидан бири Сушил Кумар. Унинг айтишича, ҳозир бундай кемага фақат Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой эга.

#### Кореядаги энг катта кўприк

Жанубий Кореяда мамлакатдаги энг катта кўприк қурилиши якулланди. Ушбу ишнинг узунлиги 7,320 метр, эни 31,4 метрга тенг. Унинг қурилишига етти йил кетди, 600 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Узунлиги жаҳондаги у дунёда тўққизинчи ўринда туради.

#### «Интернет» бензин кидиради

Буюк Британияда ҳайдовчиларга қўлайлик яратиш мақсадида интернетда махсус саҳифа очилди. Унда мамлакатдаги барча ёқилғи қуйиш шохбачилари ҳақида, хусусан, манзил, сотилаётган бензиннинг нархи ҳақида маълумот кўрсатилади. Энди ҳайдовчилар қароюв арзон бензин сотишиши аниқлаш имкониятига эга бўлади. Мамлакат ҳайдовчилар уюшмаси вакилининг айтишича, бу маблағ тежашга катта ёрдам беради.

#### Сайлов сабаб

Европани АҚШ долларига нисбатан қиймати яна пасайди. Европа Марказий банки бир евро 0,8543 долларга тенг бўлганини қайд этди. Бу кўрсаткич утган кун 0,8559ни ташкил қилган эди. Мутахассислар евронинг долларга нисбатан бу галли пасайиши АҚШда ўтказилган президент сайлови билан боғлиқ эканини таъкидлаётди.


#### Фаровонликдан... қаришапти

Швейцария аҳолиси борган сари кексаймоқда. Яъни ўртача умр кўрсаткичи тобора кўтарилаётган. Мамлакат марказий статистика бюроси маълумотига қараганда, ҳозир эркаларнинг ўртача 76,8 ёшига, айёллар 81,7 ёшига яшамоқда. Бунга сабаб мамлакатдаги фаровонликдир.

## Қишлоқда

## Ислохотларни чуқурлаштириш — умумхалқ вазифаси

Инсон манфаатини кўзлаган ушбу сиёсатнинг асл моҳиятини дилдан англайлик, эртанги фаровон ҳаётимиз бугунги ҳаракатимизга боғлиқ эканлигини ёдда тутайлик!



### Деҳқонга — мадад, тараққиётга — қанот

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясида татбиқ этилаётган эксперимент шундай баҳоланмоқда

**Ш. ЖАББОРОВ**  
Даладаги мазкур хосилни тезроқ йиғиштириб олиш вазифаси қўйилган шу кунларда терим суьрати суст кетмаётган хўжаликда бўлишига тўғри келди. Қоқоқлик сабабини сўраганимизда хўжалик раҳбари: — Кўчмиш етмайпти, қани эди, гуруллаб турган агресорлар бўлса, юқимиз енгиллашарди. Умуман хосил чўғи паст бўганига сабаб парвариш пайтида техника пано берди, — деди.  
Бош муҳандис янама очик гапирди: — Трактор паркдаги техника воситалари чарчи қолган. Уларни янгилаш керак. Сотиб олишга қўрқимиз етмайди. Лекин нимадор қилиш керак. Бу аҳолида биримиз ички бўлаёمиз.

Ўтган ҳафта матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоққоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан кейин юқоридики суьхбатни эсладим. Уша хўжаликка кўнғироқ қилдим. Раис қарор ҳақида «Ахборот»да эштанганини, кейин газетадан муфассал маълумот олганини айтди.

Бу қарор қишлоқда ислохотларни чуқурлаштириш йўлида яна бир муҳим қадамлар деб баҳоланмоқда. Унга биноан 2001 йилдан эътиборан машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалик кооперативлари, фермер хўжаликларига тракторлар ва ўрим-йиғим техникасини 7 йил муддатга лизинг йўли билан етказиб бериш йўлга қўйилди. Албатта, бунинг бир қанча шартлари бор. Улар қуйидагилардан иборат.

Лизинг йўли билан трактор ёки ўрим-йиғим техникасини олаётган хўжалик суьёкти арвалига қийматининг 15 фоизини ўз маблаг хисобидан тўлабди. Қолган 85 фоизи эса Молия вазирлиги хузурида ташкил этилган жағмарга хисобидан қарзга берилади. Бу ишларни қай йўсинда расмийлаштириш йўли йўриқлари мазкур қарорда дик-тиник кўрсатиб берилади. Бунда «Пахтабанк» «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг молия агенти бўлиб, унинг зимасига компаниянинг

#### Ташаббус қанот ёзган жойда

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Танглай оппоқ пахта билан кўтарилиб, онаси айтган аламо уланларни мажнунтол остидаги беланчада эшитиб катта бўлган, димонига пахта ҳиди, тупроқ иси ўрнашиб қолган одамгина тушларида уни кўриб чиқади. Пахта деса, юраги оқиб туради.

Тулин ой ёдусига чўмилиб, пайкалларга сув етаклаган, эгатларда жимирлаб оқётган сувга хаёлини ўғирла-тиб, тонг отганини сезмай қолган деҳқоннинг юрагида сўнмас чўғ бўлади, аланга бўлади.

Хирмон тўла галлау пахтаи тун яримлаганда саранжомлаб, шабнамга юзини чайган, суьхи содиқда теримга тушилаётган майдонларни кўздан кечириб, ҳаловатини йўқотган одамгина пахтаи ўз фарзандидай кўради. Унга қалбнинг бир бурчинини бўшатиб беради.

Қиссадан ҳисса шуки, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни шундай фидойи кишилар жорий этишади. Ғаллачилик, пахтачилик, пиллачилик ва чорвачиликдаги залворли ютуқлар, ҳайратга қорчиқ муъжизаларни ўшалар яратди. Жалоққудук туманидаги «Еркишлоқ» ширкатлар уюшмасининг лафзи ҳалол, ориятли деҳқонлари ўша фидойилар сирасига қиради. Улар қўл учида ер чўқилашни, елкасида тешаси-

ташқари, 90-100 минг сўмдан даромад эгаси ҳам бўлиши.

Бугуннинг одамлари... Улар ўз қадр-қимматини, лаёқатини, нималарга қодирлигини яхши тушунади. Ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилиш, янгиликка дадил қўл уриш давр талаби эканини хар қаламда ҳис этади. Ҳар бир қарич ердан оқилонга фойдаланиш ўзи учун ҳам, хўжалик учун ҳам катта манфаат келтиришини амалда синаб улгурган. Шу боис ерга ўз томорқасидай муносабатда бўлади. Аини дамда ўз чорбоғини ҳам унутмайди. Илгаригидек ҳолисига маккажўхори экиш билангина қифояланмайди. Ундаги ҳар туп дарахдан тортиб гиёҳгача, паррандалан тортиб қорамолгача оила даромадининг юқори бўлишига хизмат қилиши керак, дейди.

Урмонжон ака Рўзиев — шундай деҳқонлардан бири. У 12 гектар ерда бугудой парваришлади. Яқинда гектаридан 76 центнердан дон олди. Шартномадан ортган 5,5-6 тонна бугудой қондон омборига жойланди. Тасарруфидоги ер бўша-ши биланок, тақрорий экин сифатида маккажўхори экиди. Булар ҳали ҳаммаси эмас. — Ҳар йили узумнинг ўзидан 500-600 минг сўм даромад оламиз, — дейди Урмонжон ака. — Бу шифобахш, сершира неъматли баҳоргача сақлаймиз. Маҳалладошларимнинг кўпчилиги хўжалик ишнинг, томорқасиним қойиллатиб улдалаяпти.

12 гектар ерга эгалик қилган ижарачи Абдураим ака Мамажонов бу кўрсаткичи 79 центнерга етказди. Ҳаётилла Тешабоев, Урмонжон Рўзиевга ўхшаш оилавий пудратчилар эришган натижалар ҳам салмоқли. Сидқи-дилдан қилинган меҳнат ҳар икки томон учун ҳам бойлик, ҳам маъмурилик олиб келмоқда.

Ғаллакорлар шартнома режасини бажариб бўлгач, ортганини ўз омборларига тўқиди. Бундан (Давоми 2-бетда).

#### Сабок

**Олимжон УСАНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Бир қарашда бу вилоятда ҳар йили ғаллачиликни ривожлантириш, дон етиштириш шартномаларини бажаришни таъминлаш учун ҳамма иш қилинаётгандай. Лекин, ғалвир сувдан кўтарилагач, бу борада жуда кўп хато ва камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлиб қолди. Ана шунда кимдир «занг» касалигини эслатса, бошқа биров сув тақчилиги ё бўлмаса,

### Сурхондарёда қанча дон етиштирилади?

урунинг жануб шаронтига нобоп-лигини рўкач қилади.  
1999 йилда вилоятда атиги учта хўжалик ғалла сотиш режасини бажарган эди. 2000 йили фақат битта туманда режа улдаланди. Бармоқ билан санарли хўжаликларинга маррага етиб келдилар. Натигада вилоятда белгиланганидан 56 минг тонна ғалла кам етиштирилди. Ҳосилдорлик 23 центнердан ошмади.  
Бизнингча, ғаллачилик жабҳасида бир умумий ҳолат ҳукмрон:

### Ўзбек хужжатли кино усталарининг муваффақияти

**Роман ГУСЬКОВ** (УЗА).  
Ўзбек кино усталарининг «Сиёсий-ҳарбий хавф-хатарлар ва миллий хавфсизликка таҳдид» номи хўжатли фильм, «Да-стур» номинациясида бош совринни қўлга киритди.

#### Кеча суд залида

**Ф. САНАЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.  
8 ноябр куни мамлакатимиз Олий судида 12 нафар айбланувчи устидан давом этаётган суд жараёнида судланувчилар сўроқ қилинди. Дастанлаб У. Маҳмудов, О. Абдувоҳидов ва У. Шукуров Давлат айбловчиси эълон қилган айбларга иқрор эканликларини билдирди. Судланувчи Улғубек Мах-

### Судланувчиларнинг иқрори

мудов оилада ёлғиз ўғил эканлиги, ёшилгидан диний таълим олганлиги ва 1998 йил бошида ҳозирда қилин-рувда бўлган Улғубек Бобо-жонов билан танишиб қол-ганлиги ҳамда у Чеченис-тонга ислом динидан таълим олишга ундаганлигини маълум қилди. Шундан сўнг У. Маҳмудов 1998 йилнинг март ойида У. Бобожонов, Ф. Бадалбоев ва Л. Қаноюв-лар билан Чеченistonнинг Шали қишлоғидаги лагерга боришди. Ва, «Толибон», «Мускар» деб номланган ла-герларда «диний» ва ҳарбий таълимдан сабоқ олишди. (Давоми 2-бетда).

Азиз муштарий! Сизга ҳуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

*Handwritten signature and notes.*

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Янгиликлар, воқеалар, фактлар



# КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИНИНГ 2000/2001 ЎҚУВ ЙИЛИ СОВРИНДОРЛАРИ

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ШУ ЖУМЛАДАН, ИРРИГАЦИЯ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**ЮНУСОВ Искандар, ТИҚХМИИ 4-курс талабаси.**

1980 йилда Тошкент вилояти Паркент шаҳрида таваллуд топган. 1997 йилда ихтисослашган лицей-интернатни имтиёзли тамомлаб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг «Сув хўжалиги иқтисоди ва уни ташкил этиш» факультетига ўқишга кирган. Талабаларнинг халқро ва республика илмий конференциялари қатнашчиси. Иккита илмий мақола чоп қилган. Инглиз тилини мукамал билади, компьютерни ўзлаштирган. Сув хўжалиги муаммолари бўйича илмий ишлар олиб борапти.



### ТЕХНИКА ВА ИНФОРМАТИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**МАМАТҚУЛОВ Олимхон, Андижон муҳандислик-иқтисодий институтининг 4-курс талабаси.**

Бухоро шаҳрида туғилган, ўзи таҳсил олаётган институтнинг лицейини тамомлаб, информатика фани бўйича Республика олимпиадаси ғолиби сифатида тест синовларисиз қабул қилинган. Аълочи, иқтисодийта ахборот тизимлари муаммоларига бағишланган иккита илмий мақола чоп қилган. Илмий-тадқиқот иши компьютер графикаси ва программалаштиришга бағишланган, сув спорти билан шуғулланади.



### ТИББИЁТ, ШУ ЖУМЛАДАН, ДОРИШУНОСЛИК ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**МУБАРАКОВ Шухрат, 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг 7-курс талабаси.**

1977 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган, 90-ўрта мактабни тамомлаган. Неврология муаммоларига бағишланган учта илмий ишлар муаллифи, компьютер сирларини яхши билади, инглиз тилини мукамал ўзлаштирган. Сув спортига қизиқади.



### ИЖТИМОЙ МУТАХАССИСЛИКЛАР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**СУЛАЙМОНОВА Нигора, Тошкент давлат шарқшунослик институти 4-курс талабаси.**

1980 йили Тошкент шаҳрида туғилган, 1997 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги шарқ тиллари лицейини тамомлаган. Республика газета, журналлари ва илмий тўпламларда ўнла мақола чоп қилган. Буюк бобокалонимиз Замахшарийнинг илмий меросини ўрганиш бўйича илмий иш олиб борапти. Араб, форс, инглиз тилларида эркин сўзлашади, компьютер сирларини мукамал эгаллаган.



### ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА КИМЁ-БИОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**ЁҚУБОВА Дилноза, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 4-курс талабаси.**

1980 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган, 4-ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаган. Иккита илмий мақола чоп қилган, инглиз ва немис тилларида бемалол сўзлаша олади. Ўз фаолиятини либос дизайнери сифатида бошлаган, ҳозирда миллий либосларни яратиш борасида илмий ишлар олиб бормоқда.



### ИҚТИСОД ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**АБДУРАСУЛОВА Джахона, Ўзбекистон Миллий Университети иқтисод факультети 4-курс талабаси.**

1983 йилда Тошкентда таваллуд топган, 41-ўрта мактабни имтиёзли тамомлаган. Аълочи, молия муаммоларига бағишланган учта илмий мақола чоп этган. Мактабда ўқиб юрган даврлардаги муваффақиятлари учун 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг совғаси - компьютер билан тақдирланган. 1999/2000 ўқув йилида Навоий номли давлат стипендияси совриндори бўлган. Инглиз ва француз тилларини мукамал билади.



### ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**БОСИТОВА Гули, Фарғона давлат университети 4-курс талабаси.**

1980 йили Фарғона шаҳрида таваллуд топган. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани 284-мактаб-лицейни имтиёзли тугатган. Аълочи, олти илмий мақолалари чоп этилган. Инглиз тилида бемалол гаплашади, компьютер бўйича махсус курсни тугатган. Инглиз тили бўйича 2000 йил апрел ойида Республика талабалари ўртасида ўтказилган олимпиадада 1-уринни эгаллаган. Қозоғистонда ўтказилган халқро хотин-қизлар конференцияси қатнашчиси.



### МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**ЭГАМБЕРДИЕВ Умиджон, Андижон давлат тиллар педагогика институтининг роман-герман филологияси факультети 4-курс талабаси.**

1979 йилда Андижон вилояти, Хўжаобод туманида таваллуд топган. 1996 йилда 7-ўрта мактабни тамомлаб, бир йил Хўжаобод тумани маданият ишлари бўлимида ишлаган. Аълочи, инглиз ва немис тилларини мукамал билади, компьютер сирларини ўзлаштирган. 1998 йилда ўтказилган иншолар танловида ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов фотоальбому билан мукофотланган. Тўртта илмий мақола ва «Сўз сеҳри» номли рисолаи чоп қилинган.



### ЧЕТ ТИЛЛАР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**РИСКИЕВА Саодат, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таржимонлик факультетининг 4-курс талабаси.**

1981 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган, 101-мактабни тугатган. Аълочи, тўртта илмий мақолалар муаллифи, инглиз ва немис тилларини билади, компьютерда бемалол ишлай олади. Жамоат ишларида фаол қатнашади, филолог бўлишига қарамай, химия, алгебра фанларини яхши кўради. Синхрон таржима муаммолари устида илмий иш олиб бормоқда.



### ХУҚУҚ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**ЖУМАЕВА Мунисхон, Тошкент давлат юридик институти 4-курс талабаси.**

1980 йилда Бухоро вилояти Фиждудон туманида таваллуд топган. Фиждудон туманидаги 49-ўрта мактабни имтиёзли тамомлаган. Аълочи, хуқуқ муаммоларига бағишланган тўққизта илмий-оммабоп мақолалар чоп қилган. Инглиз, турк тилларини билади, компьютерни мукамал ўзлаштирган. 1999/2000-ўқув йилида Навоий номли давлат стипендияси совриндори. Келажақда фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи одил судья бўлиш орзусида.



### ЖУРНАЛИСТИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**МАТВИЕНКО Валентин, Ўзбекистон Миллий Университети 4-курс талабаси.**

1979 йилда Гулистон шаҳрида таваллуд топган, 6-ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаган. Бир йўла мусиқа мактабни ҳам битирган, аълочи, инглиз ва немис тилларини билади. Донецк шаҳрида ўтказилган халқро халқ чолгу асбоблари ижрочилари танлови қатнашчиси. Спорт, маданият, ёшлар ҳаёти, экология ҳамда ижтимоий муаммоларга бағишланган 30 дан ортиқ мақолалари республика матбуотида эълон қилинган. Журналистикада психологиянинг ўрни муаммоларига бағишланган янги илмий йўналиш бўйича ишлаяпти.



### ЖУРНАЛИСТИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**ЖАББОРОВ Рустамжон, Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факультети 4-курс талабаси.**

1979 йилда Самарқанд вилояти Ургут шаҳрида таваллуд топган. Ургут шаҳридаги 3-ўрта мактабни тугатган. Аълочи. Компьютерни мукамал ўрганган, немис, турк, форс ва озарбойжон тилларини билади. Миллий мафкура, миллий истиқлол, маънавият масалаларига бағишланган 25 дан ортиқ мақолалари республика газета ва журналларида чоп этилган.



• 2000 йил — Соғлом авлод йили

## Фидойилар қандай камол топади?

Республика ёш саёхатчилар ва ўлкашунослар маркази директори, «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Шавкат Назаров билан суҳбат

— Мамлакатимиздаги кенг имкониятларни ўрганиб чиққан япон олимлари янги тараққёт асри Ўзбекистон асри бўлажagini эътироф этишди. Эртанги тараққёт, истаъимиз, йўқми, бутунги ёш авлодининг қай даражада камол топишига боғлиқ. Шавкат ака, ёш авлодини тарбиялаш борасида кўпроқ нималарга эътибор қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, бу — муҳим масала. Умуман олганда, бутунги кунда фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш биздан билим ва тажриба талаб этади. Масалан, мен ўлимга: «Отоҳ бўл, Ватанимиз улуг, тупроғи муқаддас, сен бир етук миллатнинг озода фарзандисан», деб ўқирсаму, ўзим шу Ватан тарихидан баҳар бўлсам, табиийки, юрт ҳақидаги қуруқ сўзларим боламга юкмайди.

Устозини берилиб тинглаётган ўқувчининг қалби тоза бўлади. Шунга ўйлаганда, адабиётшунос олим Озод Ша-рофиддиннинг «Нега этиқодимизни ўзгартирдим?» деган мақоласини эсла-лайверман. Домла ўша мақолада шўролар тузумининг миллатимизга қилган маънавий зулмларини ўз қис-матга орқали ҳикоя қилади.

Этиқодни ўзгартириш, бу энди, де-разодаги пардани ўзгартириш эмас, бу-

нинг замирида оғриқ бор. Хўш, биз — кечлага комсомоллар, бугун, чиндан ҳам этиқодимизни ўзгартирдикми? Оранизда, бир юмалаб терисини ўзгартирилган кўп эмасми, ишқилиб? Қай жабҳада ишлаш-миздан қатъий назар, болани тарбия қилишга аввало ўзимиз муносиб бўлиш-миз лозим.

— Таълим-тарбия ишларида ўлкашунослик тадбирлари қандай аҳамиятга эга?

— Ўқувчи ҳеч қачон тўрт девор ичида ўтириб Ватанини ўрганолмайди. Табиий ва ижтимоий фанларга оид қўлланмалар билан чекланиб қолиш тарихини, адабиётни ёки физика, математика каби фанларнинг сирларини ўрганишни чегаралайди. Аммо бир пайтнинг ўзида ҳам ўлкага, ҳам мо-зияга саёхат қилган ўқувчи янада генпрок тасаввурга эга бўлади.

— «Ёш саёхат ва ўлкашунослар», «Бўлуси тарихчилар», «Ёш этнографлар» каби тўра-рақларимиз ўқувчиларимизнинг бўш вақ-тларини тўлдирибгина қолмай, ўзи ёқти-ри-

ган фанга қизиқшини ҳам қучайтиради, ўқувчи шахсини шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

— Ўлкашунослик — моҳият эътибори билан, Ватанини ўрганиш илми. Таълим ти-зиммида ўқувчиларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳаддан тарбиялайдиган бошқа бир муайян соҳа йўқ. Шу боис Миллий дастурда сайёхлик ва ўлкашунослик иш-ларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Рухшунослар бола 10-12 ёшида руҳ-дан шаклланиб бўлади, дейишди. Асосан 14-16 ёшли ўқувчиларга мўлжалланган сайёхлик тадбирлари уларнинг руҳини биз кутганчалик тасвир қилармикми?

— Рухшуносларнинг бу фикрини эъти-борсиз қабул қилиб бўлмайди. Инсоннинг маънави тўла шаклланиши учун 15-18 йил, балки ундан ҳам кўпроқ вақт керак... Ас-лида ўлкашунослик тадбирларини барча мактабларга жорий этишнинг учта муҳим асоси бор.

Шўролар даврида миллион-миллион одамнинг тузумга нисбатан этиқоди де-ярли бирдай шакллانган эди. Нега шун-дай бўлган, бу ҳақда ҳеч ўйлаб қурганим-сиз? Бунинг бир муҳим сабаби бор: шўро-лар асосий кучларини таълим тизимида сар-флаган эдилар.

— Юртимиз озоликка чиққандан сўнг Ўзбекистоннинг асл салобатини тиклаш эзу орзумизга айланди. Айни пайтда давлати-

миз раҳбари илгари сураётган гоилар, ёруғ орзуларимиз буюк ўғинчиликка таянган. Шундай экан, фарзандларимизга халқимиз-нинг тарихини, маданиятининг ўргатишда, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбия-лашда нега энди назарий билимларни ама-лийёт билан боғлашганимиз керак? Бу — биринчидан. Иккинчидан, болани муҳит тарбиялайди, деймиш. Болаларимизга ўзи-миз муҳит яратиш беришимиз керак. Учтин-чидан, бола оёғи чиққан кундан бошлаб, ўзи тутилган юртта «саёхат уюштирили-» унинг илк қадамларини, атак-чекач қилиб остига қиқшини эсланг: у икки-уч ёши-да катталарга эргашиб, туғилган ўсган туша-сининг қўчаларини хотирасига чизиб: тўрт-беш ёшида қишлоқнинг харитасини та-саввур қилиб улгуриди. Сайёхлик тадбир-лари, тадбир жоиз бўлса, мана шу улуг саёхатнинг бевосита давоми. Бола улғаяр-экан, халқимизнинг урф-одатлари, анъ-аналари, маънавий-тарихий қадриятлари, табиий бориғи: наботот олами, об-ҳаво-си, тупроғу суви унинг қалбига, қонига сингирганига у чин маънода ваганпарвар шахсга айланади.

— Мамлакатимизда 9637 та мактаб бор. Уларда 5 миллиондан ортиқ ўқувчи таълим оляпти. Вилотлардаги сайёхлик ва ўлкашунослик марказлари барча туман мактабларида фаолият юргатаптими?

— Йўқ.

— Нима учун?  
— Айримлар бунинг асосий сабабини иқтисодий қийинчиликда деб кўрсатмоқ-чи бўладилар. Аммо, мен бунга қўши-лолмайман. Давлатимиз томонидан мак-табларда сайёхлик ва ўлкашунослик иш-ларини ривожлантириш юзасидан меъ-ёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Бир-роқ масъул лавозимдаги айрим раҳбар-лар бу масалага масъулият билан ён-дошмангилар.

Ўқувчилар нафақат Ватан тарихини, шу билан бирга бутунги тарихий даврнинг ҳам ўрганишлари зарур. Аммо маълум бир гу-руҳнинг Сурхондарёдан Хоразмга сафар уюштиришини кўя туринг, ҳатто Тош-кент шаҳрининг ўзида ҳам Теурийлар тарихи давлат музейини кўрмаган ўқув-чилар анчагина. Сабаби — «пүлимиз йўқ». Аслида энг лаёқатсиз раҳбар ҳам шахсий манфаати учун пул топишга қийналмай-ди. Аммо жамяят ишларида келганда оқсаб қолади. Шунингдек, кўпчилигимиз кўша-қўша иморатлар солишга, икки йилда битта тўй ўтказишга пул топамиз, дегини суа пулининг озгина қисминини мактаблар-га сарфлаш ҳаёлимизга келмайди. Деҳқон қуйиб-қуйибниб ўтказган дангиллама тўйдан, пулдорнинг ўз сармоясини пала-партини совуриндан халққа қандай наф-тегини умкин? Бизда пулдорлар кўп, бироқ улар кўчоқ очиб мактабларга ки-риш керак бўлган бир пайтда, икки қаватли иморатларнинг айвоида ўтиришибди. Ҳолбуки, уларнинг болалари ўқитган мак-табнинг суварти ҳам, сайрати ҳам гариб, «камтарингиз».

Агар раҳбар раҳбар бўлгани учун ҳам тадбир ишлатиб пул топса, фуқаролар топ-ган пулларини тўйга, иморатга сарфлай-вермасдан, мактабни ҳам ўйласа айни мул-дао бўлур эди. Ахир, таълим тизимида, ундаги тарбия усулларида гап кўп. Бугун битта, иккита одамнинг ҳолисисини чирой-ли тўста қилганга қайлаю, эртага бир бу-тун мамлакатнинг гуллаб-яшнагани қай-да?! Ҳозир — янги давр. Мамлакатимиз-да таълим тизимининг тубдан ислоҳ қили-наётгани бежиз эмас. Аввало бу жараённи идрок этиш лозим.

— Нурилла НАРЗУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

## Замонага мос лицей

Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

• Хориж билан дўстлашган билим ох

Тошкент Давлат техника уни-верситети қошидаги гимназия Чил-нозор академик лицейига айлан-тирилдию ташвиши кўпайди. Тўғри-да, академик лицей мақо-минин олғач, ўз номига муносиб бўлиши ҳам керак-да. Аввало, иш синфхоналари, фан кабинетлари-ни қайта жиҳозлашдан бошланди. Лицей иқтисодиётига йўналтирил-ган эмасми, пойтахтимиздаги бир неча ўқув даргоҳлари билан шарт-нома имзоланди. Токи, ўқувчилар соҳанинг билимдонлари бўлишсин.

Шунга яраша ўқувчилар ҳам қараб туришгани йўқ. Дарсад бўшади, дегунча фан тўғрақлари, клублари қатнашади. Уларнинг аксария-ти болалар ва усмирлар ташкило-ти — Ёшлар мамлакат клуби аъзолариридир. Лицейда чиқарила-ган «Энг» газетаси эса ўқувчилар-нинг энг сеvimли наشري ҳисоб-ланади.

«Ана шу билим даргоҳида кеча «Ўқув мусассаларида ўз-ўзини бо-шиқариш» мавзудаги семинар бўлиб ўтди. Пойтахтдаги академик ли-цейларнинг раҳбарлари, «Сарос» жағмармаси вакиллари семинар иштирокчилари бўлишди. Ушбу даргоҳда таълим тизимини янада тақо-миллаштириш борасидаги ишлар, фа-культатив дарслар, клуб ва тўғрақлар ишлари қатнашчиларда катта қизиқ-тиқ уйғотди. Шунингдек, маъмур академик лицей ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон мак-таблар лойиҳасига аъзо эканлиги, «Ко-унтерпарт Консорциум» жағмармаси, Тинчлик корпуси, «Сарос» жағмармаси сингари халқро ташкилотлар, Ўзбеки-стондаги чет эл ваколатхоналари билан мустаҳкам алоқа боғланишлари билан танишган семинар қатнашчилари беҳ-тиёр «Замонамизга хосу мос лицей экан», деб баҳо бердиши.



# АСАКАНИНГ ЧҰНТАГИДАН...

## ОЛИМПИА ЧҰКҚИСИГА

Озод РАЖАБОВ,  
«Жалқ сўзи» мухбири,

### «... Бир чўким ош ёйлик»

«Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари Аска номири бутун дунёга машхур қилгани рост. Айни пайтда, бундай қулай ва тезкор уловларни ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётгани ҳам ҳақиқат. Ҳа, аскаликларнинг саноят, қишлоқ хўжалигидаги илғорлигини ҳеч қим инкор эта олмайдим.

Ҳўш, бу ерда жисмоний тарбия ва спортга эътибор қандай? Юқорида тилга олинган қарорнинг ижроси не чоғи? Умуман, шуғулланувчилар учун талаб даражасидан шартлар яратилгани?

— Машгулотта мунтазам қатновчилар сонин 14 минг 300 кишини ташкил қилади, — дейди шаҳар спорт қўмитаси раиси Ҳалимжон Шералиев. — Шундан 7 минг 800 нафари мактаб ўқувчилари бўлса, қолганлари ташкилот, корхона ҳамда муассасалар ишчи ходимларидир. Шаҳримиздаги муҳтамак стадион, барча талабларга жавоб берувчи учта майдонга, кўлаб спорт заллари уларнинг ихтиёрига бериб қўйилган.

Кўча қанглиги тўп тепаётган ёшда мушуга кўлаб-ла кўлакни кийиб ўзича турли ҳаракатлар қилаётган болакайлардан келажакда танниқли, юрт доирасини оламга ёла олинган спортчи тайёрлаш учун уларга шу йўналишда махсус таълим бериш талаб этилади. Аска шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқитувчи-мурабийлари айнан шу таълимга асосланган ҳолда фаолият кўрсатишмоқда.

— Ёш тоифасига қараб

турли гуруҳларга бўлинган 340 нафар ўқувчи ўзбек кураши, юнон-рум кураши, оғир атлетика, волейбол ҳамда каратэ силларини ўрганишга, — дейди мактаб директори Мелис Умаралиев.

Дарҳақиқат, бу ердаги шартан ҳавас қилса аризулик эканлигини шуғулланувчиларнинг кўз-қарашидан, кайфиятидан ҳам билиш мумкин. Улар маънавий ўзгаришга кенг ва қулай заҳм кираётган, беҳиёр сафа қўшилганига келади. Шаҳардаги 3-футбол мактабига борганимизда ҳам 400 нафар ўқувчи ҳамма қулайликлар яратилганга гувоҳ бўлдик.

«Соглом авлод маркази» деб номланган замонавий спорт мажмуининг қўла ростлаётгани, айниқса, қувонарлик. Мажмуа таркибидан очик ва ёпиқ теннис кортлари, бассейни ҳам ўрин олади...

— Мухбир ука, мана, ишларимиз билан танишингиз, — дейди Ҳалим Шералиев. — Энди навбат ошга.

— Раҳмат, мен ҳали Марҳаматга боришим керак.

— Марҳамат қочмайди. Аскага келган меҳмон унинг Чўнтакда бир чўким ош ердан кетган эмас. Чўнтакда дамланган ошнинг доирини республикамиздан ташқаридан ҳам яхши маълум. Биласизми, АКШнинг энг кучли боксчиси саналган Рикардо Вильямсича учун Муҳаммадқодирнинг зарбалари барош бера олмади?

— Чўнки, у Асаканинг чўнтакда қаламбир эзиб ош емаганида-а, лаббай?

— Чўнтакдан воз кечиб

Марҳамат туманидаги спорт мутасаддилари, фидойилари қишлоқ шароитида оммавий спортни ривожлантириш учун қўл қўвиштириб ўтирганлари йўқ. Туман спорт қўмитаси ра-

иси Ҳамиджон Маллабоев бошчилигида тадбиркорлик асосида мусобақалар ўтказишга ҳам, майдонларни таъмирлашга ҳам имконият топишарти. Вазирилар Муҳаммадқодирнинг айтиб ўтилган қарори чиққандан сўнг уларнинг иши янада жонланди.

— Шу қарордан келиб чиққан ҳолда, — дейди Ҳамиджон ака, — пуллик хизмат кўрсатишнинг хукусий спорт клубларини қўлайитиришимиз. Қизиғи шундаки, пуллик бўлса ҳеч қим келмайди, деб юрганлар лабини тиглаб қўлишди. Шаронт зўр бўлган сўнг туман марказида ҳам, қишлоқларда ҳам шуғулланувчилар сонин кескин ортомқда.

Маллабоевнинг ҳисоб-китобларига қараганда, тумандаги жами шуғулланувчилар сонин 30 миңдан кўп. Улар, асосан, шарқона яққа кураш турлари, футбол, волейбол, от спорти, белбоғли кураш билан машғул. Бунинг учун мавжуд 46 та спорт зали, 44 та майдончада шартлар етарли.

Марҳаматта кетаётиб, туман спортчиларининг ўз чойхонаси бор, деб эшитганим.

— Ҳақиқатдан ҳам шундай, — дейди туман қасаба уюшмалари спорт жамоаси раиси Камолиддин Алиев. — Ҳаловатни, лоқайдликни бир четта суриб қўйиб, олиб-югурсангиз, ҳамма насага эришин мумкин экан. Чойхона спортчиларимизга текин хизмат кўрсатиши билан бирга, бошқа мижозлардан тушган маблағ иқтидорини ёшларни рағбатлантиришга сарфланапти. Шунинг учун ҳам футбол жамоамиз вилоятда биринчиликни ҳеч қимга бермаётган бўлса, волейбол мактабимиз битирувчилари республика чемпиоантининг олий лигасида ўйнашарти.

### Муҳаммадқодирнинг избоксанлик издошлари

«Избоксанда шундай спорт иншооти бор экану, биз билмай юрган эканмиз». Бу жумланинг вилоят газеталаридан бирида ўқидим. Ухшатиш гузаллиги учунми, 8 бошқа сабаб шу маънунан кўришга бўлган иштиёқ қўчмайдим.

— Бирга борамиз, — деди туман ҳокимининг ўринбасари Ҳажимжон Утанов. — Ажойиб макан. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабимиз ҳам ўша ерда жойлашган.

Мазкур мажмуа 1962 йили бунёд этилган экан. Машрабжон Қодиров, ўн йилдири, унинг директори. Уй-хўли бу ерда шуғулланаётган ўғил-қизларга янада қулай шартлар яратиб. Ҳозиргиси ҳам чакки эмас. Кийиниш-ечиниш хоналари қилмаган. Мебель билан жиҳозланган. 360 нафар ўқувчига 12 малакали мурабий устозлик қилмоқда. Шоғирдлар эришётган ютуқлар ҳам мақтаса арзигулдик.

Жумладан, Бахтиёр Матбоев муайтай буйича қитъа голибчилиги кўла киритган. Шу йил Таиланда ўтказилган жаҳон чемпиоантида эса фахрли учинчи ўринни эгаллади. Шамсиддин Маҳмудов бўлса мусобақалардаги галабалари учун Давлат жисмоний тарбия институтига тест синовларини қабул қилинди.

— Туманда спортчи ёшларни қўлаб-қувватлайдиган саҳаватпеша инсонлар ҳам кўп. Айниқса, «Меҳр-шафқат» хайрия жағмармаси раиси Солижон Аҳмедов уларнинг доимий ҳўмирсига айланган.

— Ўғил ёки қиз бирор спорт турини голиб бўлса, дедмак, миллат, халқ музаффар бўлгани, — дейди у. — Шунинг учун ҳам юртимиз обрўйига обрў қўшмоқчи бўлган ёшларни қўлаб-қувватлаш бурчимиз. Бундан ташқари, спорт ватанпарварлик туйғуларини янада жўш урдиришда муҳим аҳамият касб этади. Қаранг, биргина Муҳаммадқодир-

нинг Олимпия чемпиони бўлиши қанча ёшларни бокс тўғрақларига етакламади, дейсиз. Энди улар сигарета тутатиб, ёмон йўлларга юришмайди, балки чемпионо муносиб издош бўлишга интилишди. 2004 йилги Афина олимпиясида Муҳаммадқодирнинг избоксанлик издошларини кўрсак не ажаб.

### Директорнинг таклифи


Вазирилар Муҳаммадқодирнинг тилга олинган қарорида спорт коллежаларини ташкил этиш ҳақида ҳам сўз борди. Шундай экан, Андижон шаҳридаги Олимпия захиралари билим юртини коллежага айлантириш вақти келмадимики?

— Айни пайти, — дейди билим юрти директори Дилшодбек Қамбаров. — Фақат бу масалани чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Чўнки, коллежаларда ўқини муддатини уч йил қилиб белгиланган. Биз эса шу уч йилда спортчи ҳам, мурабий ҳам тайёрлаш олаймиз. Бунинг учун камидан 6 йил керак бўлади. Шунинг учун ташкил этилажа спорт коллежаларини 6 йиллик қилиш тарафдориман. 7-8-9-синфлар ҳамда 1-2-3-курслар.

Билим юртимиз айнан шундай тўзилишдаги спорт коллежи айлантиришга жуда мос. Мен бу борадаги таклифларимни ёзма равишда мутасадди ташкилотларга ҳам берганман. Қандай хулоса чиқариш уларнинг ихтиёрида.

\*\*\*  
Андижонлик спортчилар олис Сидней майдонларида ишларга қўйилган намойиш этигаларини бутун дунё кўрди. Уларга, энг аввало, Ватан, миллат гурури, иштиқлиқ ори қувват бағишлаган бўлса, иккинчидан, Асаканинг чўнтакда истеъмол қилинган ёғини палов ҳам дада бўлган бўлса ажаб эмас. Андижонликлар таъқидлаганидек, кейинги олимшода ўғилларини ҳам ўзбек боксчиларидан «калмак» еган АКШ ёшда Куба спортчилари Аска чўнтакни нима экан деб ўзбекистонга келишар, балки.

Андижон-Тошкент СУРАТДА: М. Абдуллоев Олимпия шохсупосида. Сидней Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон»АА) олган сурат.



Дилнинг юмшаб, доҳатинг равои бўлишини хоҳлайсанми? Етмигга рази қил, бошини сила, оватингдан едир, шунда дилнинг юмшади ва хоҳатинг чиқди.

Ҳаромлардан сақлан, кишиларнинг обидроғи бўласан. Аллоҳнинг қисматига рози бўл, кишиларнинг беҳатарроғи бўласан. Қўшинингта яхшилик қил, мўмин бўласан. Унингта яхши кўрганнингта кишиларга ҳам яхши кўр, мусулмон бўласан.

Яримта хўрмони садага қилиб бўлса ҳам, у бўлмаса одамларга ширинсўзлик, хўшмуомалалик қилмиш йўли билан бўлса ҳам оташи дўзахдан сақлангилар.

Аллоҳга энг ёмон кўрнанадиган киши — гина ва адолатни узоғ сақлагувчи одамдир.

Аллоҳ таолога бандалар ичда севимлиси она аъзоларига маънафати кўп тегадиган кишидир.

Амирнинг ҳади олиши ҳаромдир ва ёганининг пора олиши кофиранидир.

Биродарларингиз — хоҳимларингиздир. Аллоҳ Таоло уларни сизларнинг кўла остида қўлаб қўйди. Қийин биродари кўла остида бўлса еганидан едирсин, қўлашдан қўладирсин, тоғатдан ташқари нинга буюрмасин. Агар буюрса енига тушиб ўзи ердамалсин!



Саёҳатлар бюросига икки ёш кириб келишди. — Биз денгиз бўйлаб саёҳатга чиқмоқчи эдик, — деб сўз бошлади жувон.

— Иложи бўлса, бошқабошқа қаюталарда, — деб қўшимча қилди эр.

— Бошқабошқа океанларда бўлса анямма маъқул бўларди, — деб тузатди аёл.

Рашки аёл автомашинада саёҳатдан қайтган эрига:

— Тўғри, машинадан муҳаббат сўзлари битилган хат чиқмади, рўмолча ҳам йўқ. Лекин ёнингдаги ўриндикнинг камари мендан икки ҳисса хипча

бўлган белга мослаб қўйилган...

— Таътил қандай ўтди? — Худди ишдагидай. Ўтирасан, ўтирасан, тушлик бўлишини кутасан.



Тел.: 137-47-00, 137-48-00.

### «ЖАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Аббосхон УСМОНОВ.

### Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбасари — «Жалқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МИРАЛДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАҲРОДИЙ,
- И. ХУДОЁЕВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбасари — «Народное слово»),
- Ў. ҲОШИМОВ.

### БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
- Ҳўқуқ — 136-07-94;
- Иқтисодиёт — 136-36-65;
- 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Хатлар — 136-29-89;
- 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
- Аҳборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибхона — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

### Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 1015, 17797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютерда терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томондан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САҲАЕВ. Навбатчи — Э. МАВЛҶОНОВ. Мусоҳиҳ — М. ЁҚУБОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зийёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6

### Ўқума

# Сохта бензинфурушлар

Нобижон СОБИР,  
«Жалқ сўзи» мухбири.

Сўнгги кунлар Фарғонада бензин тақчил бўлиб қолди. Ёнигли қўйиш шохобчаларида машиналар тирбанд. Соатлаб навбат кутиш одат тусига кирди. Айрим туманлардаги шохобчаларда эса манзара бундан-да ачинарли. Хайдовчилар кўн буйи бензин кутишга мажбур бўлмоқдалар.

Албатта, ёнигли тақчиллиги — вақтинчалик. Аммо айрим урдабурон ва учар «тадбиркорлар» бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишарти. Мисол дейсизми? Ҳали тонг ёришмасдан туриб, Кўкон шаҳридаги шохобчаларга ёнигли олиб келинади. Бундан бохабарлар эса бармоқ

билан санарли. Улар автомашиналарини шохобчаларини дарвозасига қалаб қўйишди. Керакли ёниглини машинага, идишларга «гамлаб» олишди. Ортгани — бошқаларга. Шу билан шохобчаларга қулф уриланди. Энди бензин савдоси кўча ва йўл бўйларига кўчди. Бензинфурушлар — «маҳсулот»ни сотишининг «сервис» усулини ҳам топшишган.

Ёнигли 05,1, 1,5 литрли идишларга қўйилиб, «қалдоқ»ланган ҳолда, харидорлар ҳукумига «ҳавола» қилинапти. Нархи ҳам ҳажмига монанд: 100, 200, 300 сўм. Савдолашиб ўтиришга вақт йўқ. Олмасангиз, ҳали мўйлаби сабаза урмаган йиғитчалар калонди-моғлиқ билан катта йўлни

«кўрсатиб» қўйишди. Эътироз билдирсангиз... ора йўлда қолиб кетишингиз ҳеч гап эмас.

Кўкон шаҳрининг айланма йўли, Тошкент, Яйпан, Бешарик, Фарғона шаҳарларига олиб борувчи йўлларнинг ҳар қаданда «қалдоқланган», бошқача айтганда «баклашка»ларга қўйилган бензин маҳсулотларини учратасиз. Йилга бу иш билан ёш йиғитчалар шуғулланган бўлса, энди майда-чуйда сотиб ўтиридан қайнони кампирлар, ҳасасага таяниб қолган отахонлар ҳам ўзларини бензинфурушликка уришган. «Фанта», «Кока-кола» каби бичимликлар қаторида бензин баклашкаларини учратсангиз, ҳеч ажабланманг! Бензин — хавфли

ёнигли. Шундай экан, унинг савдоси ихтисослаштирилган шохобчаларда хавфсизлик қоидаларига тўла риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозим. Савдонинг назорат қилинган солиқчиларнинг эса парвоини палак.

Энг қизиғи, биз сохта бензинфурушлар билан гаплашиб турганимизда, Кўкон шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи Ҳабибулло Алимовнинг орқа ўриндиғига ястанганича ўтиб кетди. Бошлиқнинг ўзи лоқайд бўлган, бошқалардан нимами кутиш мумкин? Ёки мутасаддилар бензин таъминоти соҳасидаги сунлий тақчилликни кимлар келтириб чиқараётганидан беҳабармиклар?

Ўзмаком» қўшма корхонаси жамоаси корхона ходими Аъзам Раҳимбоевга отаси

Камол РАҲИМБОЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси ТАЙИ қасаба уюшма ҳисобчиси Валентина Исхақовага турмуш ўртоғи

Роберт ИСХАКОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган ш., А.Навоний кўча, 36 уй (Матбуот уйи), 4-қаватда, 2000 йил 10 декабрда, иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин. Телефон/факс: (8-36922) 6-14-50.

Бир комплект тендер ҳужжатларини нархи 15000 сўмни ташкил этади. Оферталарни савдо ташкилотчиси 2000 йил 15 декабр соат 9.00 гача юқорида кўрсатилган манзил бўйича қабул қилади.

Оферталарни очилиши 2000 йил 15 декабр, соат 10.00 га белгиланган. Манзил: Наманган ш., Навоний кўча, 36-уй (3-қаватдаги мажлис зал).

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш биғламаси. Мўминий номиданги ўзбек давлат мусиқий театри жамоаси таниқли санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Лабо МИРЗАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг она аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиривар.

Ўзбекистон телерадиокўрсаткичи жамоаси Ўзбекистон телерадиокўрсаткичи «Сибет» бош муҳарририятини шарҳназорига Нарзулла Шониевга волидан муҳтарамаси

Тошкент давлат юридик институти раҳбарияти ва жамоаси юридик фанлари доктори Шўҳрат Рузиназаровга падиари бузруквори

Нуралли ОТА РУЗИНАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети жамоаси декан медресини, ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси ўқитувчиси Нарзулла Шониевга волидан муҳтарамаси

МАРЗИЯ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.